



UDK 711.03

XIX-XX АСРЛАРДАГИ ХИВА ШАҲРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-ТАРҲИЙ ТИЗИМИ

Рузметов М Магистрант
Матчонов Б Раҳбар

Аннотация. Ушбу мақолада XIX аср 2-ярми ва XX-аср бошларидаги Хива шаҳрининг функционал-тарҳий тизими, шаҳарнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёни ҳақида баён қилинган. Хиванинг ҳудудий-маъмурий тизими шаҳарнинг маъмурий бўлинмалари орқали намоён бўлади. Шунингдек, аҳоли истиқомат қиладиган жойлар шаҳарсозликнинг кичик бўлинмалари бўлган масжид қавмлар тўғрисида сўз юритилади.

Kalit so'zlar: шаҳар муҳити, дизайн код, меъмурий ёдгорлик, ободонлаштириши, функционал тизим, музей, қалъа, ёдгорлик.

Annotation. This article describes the functional-historical system of the city of Khiva in the second half of the 19th century and the beginning of the 20th century, as well as the process of formation and development of the city. The territorial-administrative system of Khiva is manifested through the administrative divisions of the city. Also, there is talk about mosque communities, which are small subdivisions of urban planning, where people live.

Keywords: urban environment, design code, memorial, landscaping, functional system, museum, castle, monument.

Аннотация. В данной статье описывается функционально-историческая система города Хивы во второй половине 19 века и начале 20 века, а также процесс становления и развития города. Территориально-административное устройство Хивы проявляется через административное деление города. Также речь идет о общинах мечетей, которые представляют собой небольшие подразделения городской застройки, в которых проживают люди.

Ключевые слова: городская среда, дизайнерский код, мемориал, ландшафтный дизайн, функциональный система, музей, замок, памятник.

КИРИШ КИСМИ:

Маълумки, Хива жаҳондаги тарихий шаҳарлар дурдоналаридан ҳисобланади. Очик осмон остидаги музей дея эътироф этиладиган бу қадимий қалъа 1990 йили юртимизда биринчи бўлиб ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилган. Хива ўзининг тарихий ўтмиши, меъмурий тузилиши, обидаларининг яхлит сақланганлиги жиҳатидан қадимги



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

шаҳарлар орасида алоҳида ўрин тутади. Меъморий ансамблининг яхлитлиги жиҳатидан шаҳар Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. 1967 йилда Ўрта Осиёда илк бор Хиванинг Ичан қалъа қисми тарихиймеъморий ёдгорликлар кўрик хонаси деб эълон қилинди.

Хиванинг жаҳон маданияти тараққиётида тутган ўрни ЮНЕСКО Бош конференциясининг 28сессиясида алоҳида қайд қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 3 январдаги қарори билан Хиванинг 2500 йиллиги 1997 йилда жаҳон миқёсида кенг нишонланди.

Хива Амударёнинг қуйи оқимининг чап соҳилида жойлашган. Шаҳарнинг дастлабки ҳаёти тўғрисида махсус изланишлар мавжуд. 1964-1985 йй., 1987-1990 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими ходими М.Мамбетуллаев раҳбарлигида ўтказилган археологик тадқиқотлар натижасида топилган ашъвий далилларга кўра, қалъа худудида мил. ав. VI-V асрларда кичик манзил сифатида мавжуд бўлган.

Шаҳар мил. олдинги IV-III асрларда вужудга келган ва мудофаа девори билан ўраб олинган. Хива шаҳри ғарбдан шарқ томон чўзилиб, асосан икки: Ичан қалъа ва Дишан қалъа қисмларидан иборат. Ичан қалъа тўғрибурчак шаклида бўлиб, унинг (650x400 м.) томонлари мудофаа девори билан ўраб олинган.

Ҳозирги пайтда Ичан қалъа кўрғон девори таъмирланган. Ўз навбатида айлана шаклдаги буржларига эга. Улар ўртасидаги масофа 22-27 м.

Асосий қисм. Маълумки, Хивада шаҳар миқёсида ҳам соғлом иқлимни ҳосил қилишга катта этибор берилган. Воҳага қум барханларидан эсиб келган куруқ шамолни намлантириб туриш учун ҳажман каттароқ бўлган ҳовузлар қазилган. А.Абдурасуловнинг маълумотларига кўра, Хивада бундай ҳовузлар асосан шаҳар дарвозалари, карвонсарой, бозор ва чорраҳалар яқинида қазилган, уларнинг ёнларида қаландархоналар ва мусофирхоналар ҳам қурилган. Ҳовуз атрофлари гужум, қайрағоч ва тут дарахтлари билан ўралиб, соя хушманзара жой ташкил бўлган. Мисол тариқасида XX аср бошларида Хива шаҳридаги 14 та катта ҳовузларни мавжуд бўлганлигини айтиб ўтиш мумкин.


Шаҳарларнинг тархий тизими дарвозалар ва кўчалар алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Хива уч: арк (Кўхна арк), шаҳристон (Ичан қалъа) ва рабод (Дишан қалъа) йирик функционал зоналарга ажратилган. Марказий Осиёнинг бу даврдаги бошқа шаҳарларидан фарқли жиҳати рабод ҳам алоҳида кўрғон девор билан ўралганидир. Ичан қалъа кўрғон деворининг



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

узунлиги тахминан 2250 метрни, Дишан қалъа кўрғон деворининг узунлиги 6250 метрни ташкил этган.

Х аср араб географи ал-Мақдусийнинг ёзишича Хива катта шаҳар эканлигини, у дарёдан чиқазилган ариқ ёнида жойлашганлигини, унда катта жомъе масжиди борлигини таъкидлайди.



1-расм. XIX-XX асрлардаги Хива шаҳрининг ҳудудий бош тархи.

Ёзма манбаларда Хоразм X-XI асрларда йирик савдо маркази бўлганлиги ва ҳарбий қудрати юксаклиги айтилади. Қўшни мамлакатлар ва Шарқий Европа билан алоқа қилиши туфайли Хоразм шаҳарлари тез ўса бошлаган. Сомонийлар даврида Хоразм икки ҳокимликдан иборат эди. 995-йилда Гурганч (ҳозирги Кўхна Урганч) ҳокими Кат шаҳрини эгаллаши билан икки



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

хокимликка бархам берилади. Хоразмнинг бошқа шаҳарларида ҳам бундай жамоа марказларини шаҳар хоқимияти иншоотлари мажмуига туташ бўлган мухитлардан излаш лозим, деб тахмин қилишимиз мумкин. В.Пилявский шох Маъмурнинг Кўхна Урганчдаги Хўжажа дарвозаси олдида қурдирган саройи олдида унинг ўғли Али бошқа сарой қурдирганлиги ва унинг олдида катта майдон (Бухоро майдонига ўхшаш) борлиги, у ерда бозор бўлганлигини ўз асарларида қайд қилиб ўтган (2- ад., 25-26 бетлар).

XII асрнинг охири-XIII асрнинг бошларида, айниқса шох Такаш даврида (1172-1200 йй.) Хоразм давлати гуллаб яшнаган ва Шарқдаги энг қудратли давлатлардан бирига айланади. Буюк хоразмшоҳлар даврида илгари чўлга айланган Чарманёп воҳасида маданий ҳаёт тикланиб, Шохсанам, Замахшар, Говурқалъа, Девқалъа, Қалъалиқир каби қадимий шаҳар ва истехкомлар яна қайта тикланган.

XIX аср охири-XX аср бошларида жамоаларни, қишлоқларни, аҳоли истиқомат қиладиган жойлар шаҳарсозликнинг кичик бўлинмалари бўлган масжидқавмлардан бошқарилган. Шу даврда қавм, жамоа ўттиз хонадонга етса, катта жамоа ҳисобланган ва масжидқавмга бирлаштирилган. Қавмларнинг аксарияти ўнга яқин хонадонлардан иборат бўлган. Қавмлар бир жамоага уюшган ҳолда ер, сувдан биргаликда фойдаланишган ва жамоа томонидан сайланган йиғилиш-кенгаш орқали бошқарилган (5-ад., 19,20-бет.).


Хива дарвозаларининг нисбатан яхши сақланганлиги ва Ичан қалъа муҳофаа деворлида 4 та дарвоза бўлган. Дарвозалар шимолий томонда Боғча дарвоза, шарқий томонда Полвон дарвоза, жанубий томонда Тош дарвоза ва ғарбий томонда Ота дарвоза номлари билан аталади. Бугунги кунда Ичан қалъанинг 4 та дарвозаси ҳам сақланиб қолган. Дишан қалъада 10 та дарвоза бўлган. Булар: Қуйи (Ҳазорасп) дарвоза, Боғишамол (Янгиариқ), Шайхлар, Тозабоғ, Шохимардон, Тошоёқ, Гандимиён, Гадойлар, Пишиқинлик ва Қўш дарвозадир. (1- ад., 40-41 бетлар).

Ота дарвоза 1920 йилда бузиб ташланган эди, 1980 йиллар бошида қайта тикланди. Дишан қалъанинг баъзи дарвозалари сақланмаган. Дарвозанинг аксарияти XIX асрнинг 2-чорагида пахсадан тикланган эди. Қуйи (Ҳазорасп), Боғишамол, Гандимиён, Қўш дарвозалар ва Ичан қалъадаги дарвозалар пишиқ ғиштдан қурилган. Миноралар ичида қаровулхона ва унинг юқорисида назорат (кузатув) хоналари жойлашган. Бу ердан томга олиб чиқувчи йўл бор. Томдан кўчага қарата очик равоқлар қилинган (Қуйи дарвоза, Боғча дарвоза ва Қўш дарвоза). Дарвозаларнинг баландлиги турлича



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

бўлиб, асосан 10-15 метрни ташкил этади. Дарвозалар равоқларининг эни 4-6 метр оралиғида бўлган.



2-расм. Хива. Ичан қалъа харитаси, меъморий ёдгорликларнинг жойлашуви.

Хиванинг ҳудудий-маъмурий тизими шаҳарнинг маъмурий бўлинмалари орқали намоён бўлади. XIX аср охири-XX аср бошларида жамоаларни, қишлоқларни, аҳоли истиқомат қиладиган жойлар шаҳарсозликнинг кичик бўлинмалари бўлган масжидқавмлардан бошқарилган. Ичан қалъада (XX аср 30 йилларида) тўртта маҳалла, XX аср ўрталарига келиб бир маҳалла икки элот деб ҳисобланган. Умуман олганда шаҳарсозлик бўлинмаларини ифодаловчи ҳозирги иборалар аввалги иборалардан фарқланган. (4- ад., 32-33 бетлар).

Тарихчи олим А.Абдурасулов Хивада 9 та мавзе-элот («мавзе») бўлганлигини таъкидлайди. Булар: Қумёска, Каптархона, Ўр, Кўхна бозор, Калта минор, Амин чорсу, Мойвастон, Қора аълам ва Янги қалъа мавзе-элотлари. Агар шаҳарда 80 та масжидқавм бўлган бўлса, бу мавзе-элотларнинг ҳар бири ўрта ҳисобда 9 та масжид қавми ўз ичига олган. Булар ҳудуди жиҳатдан ҳозирги маҳаллаларга тўғри келади.

Шу даврда қавм, жамоа ўттиз хонадонга етса, катта жамоа ҳисобланган ва масжид қавмга хонадонда 833 нафар киши (ўртача ҳар хонадонда 4-5 киши) яшаган.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, маданий меросни илмий таҳлил қилиш, яхлит ва уйғун шаҳар атрофи ва унинг алоҳида объектларини шакллантириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ва шу орқали шаҳарнинг тарихий қиёфасини сақлаш зарур.

Ҳозирги вақтда Республикамизнинг барча шаҳар муҳитлати визуал кадриятларнинг янги ёндашув ва ғояларга муҳтож. Инқирозли вазиятдан чиқиш фақат шаҳар ҳудудини реконструкция қилиш ва қайта тиклаш дастурини, шунингдек тарихий марказда экологик объектларни



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

ривожлантириш ва ривожлантиришнинг қатъий қоидаларини тузиш орқали амалга ошириш мумкин бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (МАНБАЛАР) РЎЙХАТИ:

1. Хива по рассказам пленных. Турксборник. Т. 42. СПб.: 1873.
2. Пилявский В. Ургенч и Миздахкан.- М.:1948.
3. Булатов В.А., Ноткин И.И. Хиванинг архитектура ёдгорликлари. - Т.: 1963.
4. Ахмедов М.Қ., Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи.-Т.:1995.
5. Абдурасулов А. Хива. (Тарихий-этнографик очерклар).-Т.: 1997.